Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 12 июль, чоршанба • № 55 (10.731) • Эркин нархда сотилади

МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА

(9-10 июль кунлари Туркия Бош вазири Тансу Чиллер расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди)

СУРАТЛАРДА: ҳужжатлар имзоланди; матбуот конференцияси пайти.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

Тарихи, дини, тили ва урф-одати бир-бирига муштарак бўлган Туркия ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги алоқалар кеча бошлангани йўқ. Бу муносабатлар олис ўтмишга бориб тақалади. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач эса муносабатлар ривожи буткул янгича руҳ касб этди. Бугунги кунда қардош Туркия билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ўзаро тенглик ва манфаатдорлик асосига қурилган муносабатлар тобора ривожланиб бормоқда.

9 июль куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркия Бош вазири Тансу Чиллерни тантанали кутиб олиш маросими бўлди.

Туркия ва Ўзбекистон Республикалари Давлат байроқлари ҳилпираб турган Тошкент аэропортида Бош вазир Тансу Чиллер ва унинг умр йўлдошига Президент Ислом Каримов рафиқаси билан пешвоз чиқди. Миллий либосдаги қизлар юксак мартабали меҳмонга турфа гуллар туҳфа этдилар. Туркия ва Ўзбекистон Давлат мадҳиялари янграганидан сўнг Тансу Чиллер ва Ислом Каримов миллий гвардиячиларнинг фахрий коровули сафи олдидан ўтдилар.

Туркия ҳукумат раҳбари ва Ўзбекистон Президенти расмий делегация аъзолари билан танишдилар. Шу ерда меҳмонлар хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари билан саломлашдилар.

Аэропортда Тансу Чиллер ва Ислом Каримов қисқа мулоқотда бўлди. Мамлакатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон заминига ташрифи билан қутлаб, сафарининг муваффақиятли ўтишига тилак билдирди.

Туркия ва Ўзбекистон Давлат байроқлари рамзи ўрнатилган автомашиналар карвони олий мартабали меҳмон учун ажратилган қароргоҳга йўл олди. Меҳмонларни минглаб шаҳарликлар ва пойтахт меҳмонлари олқишладилар.

***

Олий мартабали меҳмон учун ажратилган қароргоҳда Туркия Бош вазири Тансу Чиллер билан Президент Ислом Каримов ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбатда икки қардош мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳалардаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш билан боғлиқ масалалар хусусида фикрлашиб олинди.

Айни пайтда бу ерда икки мамлакат делегациялари ўртасида ҳукуматлараро ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон билан Туркия Республикалари ўртасида илмий-техникавий ҳамкорлик, виза бериш жараёнини соддалаштириш, кўчмас мулк ва элчихоналарни молиявий таъминлаш ҳамда савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича давлатлараро комиссия ташкил этиш тўғрисидаги битимлар имзоланди. Ҳужжатларни Ўзбекистон ҳукумати номидан республика ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Туркия ҳукумати номидан мамлакатнинг энергетика вазири Вейсал Атасўй, давлат вазири Айваз Гёкдемир, ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Унур Оймин ва меҳнат вазири Зиё Холис имзоладилар.

***

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Туркия Республикалари делегациялари Халқлар дўстлиги саройига келдилар. Бу ерда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов билан Туркия Бош вазири Тансу Чиллер Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги меморандумга имзо чекдилар.

Ислом Каримов ва Тансу Чиллер ўзаро мулоқотлар ва музокаралар якуни бўйича хорижий ҳамда маҳаллий матбуот вакиллари учун қисқача баёнот берди.

— Туркия Ўзбекистон учун ишончли ва энг мақбул ҳамкор, самимий дўст давлатдир, — деди Ислом Каримов. — Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олганини халқимиз ҳамиша миннатдорлик билан эсга олади. Зеро, тили, дини, ўтмиши бир халқларимиз ҳар вақт бир-бирига интилиб келган. Шу боис мамлакатларимиз ўртасида шу пайтгача иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик тўғрисида ўнлаб ҳужжатлар имзоланди. Улар бугун ўзаро ҳамкорлигимизни янада равнақ топтиришга хизмат қилмоқда. Биз бугунги суҳбатлар ва музокаралар давомида ўзаро муносабатларимизнинг барча йўналишларида фикрларимиз уйғун эканига амин бўлдик.

Дарҳақиқат, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ўзининг амалий натижаларини бермоқда. Бугун Ўзбекистонда Туркиянинг 21 та йирик ширкатлари фаолият кўрсатмоқда. Туркиялик тадбиркорлар билан ташкил этилган 140 га яқин қўшма корхона мамлакатимиз халқ хўжалигини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Ўзбекистон — Туркия банкининг ташкил этилиши эса иқтисодий ислоҳотлар жараёнида республикамизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хусусий бизнесни ривожлантиришга қўмаклашади.

Бугун Ўзбекистон — Туркия муносабатлари янги поғонага кўтарилди. Атиги бир неча йил муқаддам иқтисодий ислоҳотлар бўсағасида турган Ўзбекистон қисқа муддат ичида хорижий шериклар, жумладан, Туркия билан ҳам ўзаро тенг манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйди.

— Ўзбекистон яқинда ўз мустақиллигининг тўрт йиллигини нишонлайди, — деди Тансу Чиллер. — Бу тарих учун қисқа муддат. Лекин бугун Ўзбекистонни Туркия билан тенг ҳамкорликда кўриш бизни беҳад қувонтирди. Бу, албатта, Президент Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарасидир. Ўзбекистоннинг улкан имкониятлари, бозор муносабатларини шакллантириш йўлида эришаётган ютуқлари келгуси ҳамкорлигимиз равнақи учун муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Президенти ва Туркия Бош вазири журналистлар саволларига жавоб берар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаётгани хусусида сўзладилар. Иқтисод, транспорт, коммуникация ва таълим соҳаларидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш самарали ҳамкорлик ривожини таъминлаши таъкидланди. Туркия Бош вазири Тансу Чиллернинг Ўзбекистонга ташрифи бу борадаги имкониятларни тўла ишга солиши ва Ўзбекистон — Туркия муносабатлари тарихида муҳим воқеа бўлиб қолиши шубҳасиздир.

***

Туркиялик олий мартабали меҳмон Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Туркиянинг «Ай-сел» фирмаси Тошкент шаҳрида қурган кўнгил очар боғ — «Диснейленд»га ҳам ташриф буюрди.

Ушбу томошагоҳ меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

***

Туркия Бош вазири Тансу Чиллер мамлакатимизга ташрифининг иккинчи кунини А. Навоий руҳини ёд этишдан бошлади. 10 июль куни у мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Навоий номидаги Миллий боғга ташриф буюриб, турқий адабиётнинг улкан намояндаси, буюк мутафаккир, йирик давлат арбоби Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди. Алишер Навоий барча туркий тилли халқлар учун бирдек азиз сиймодир. Туркиялик олий мартабали меҳмоннинг ушбу зиёратида улуғ мутафаккирнинг эзгу ақидаларига содиқлик намоён бўлди.

* * *

Шу куни Туркия Жумҳурияти Бош вазири Тансу Чиллер билан унинг умр йўлдоши Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва рафиқаси ҳамроҳлигида Самарқандга ташриф буюрди.

Қадимдан қондош ва жондош халқларимизнинг ўнлаб даҳо алломалари борки, улар ҳар икки мамлакатда ҳам бирдек ҳурмат ва эъзоз қилинади. Ана шундай даҳоларнинг бири — буюк мунаввир ва давлат арбоби Мирзо Улуғбекдир. Туркия Бош вазири Самарқандга ташрифи буюк аллома яратган расадхонани кўришдан, Улуғбек ҳайкали пойига гуллар қўйишдан бошлади. Бу ерда ташкил этилган музей экспонатлари билан танишди.

Туркия Бош вазири Тансу Чиллер Гўри Амир мақбарасини ҳам зиёрат этиб, улуғ сохибқиронинг 660 йиллик тўйи муносабати билан олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Йирик давлат ва ҳукумат арбобларининг ҳар бир қадами тарих деб бежиз айтмайдилар. Туркия Бош вазирининг юртимизга расмий сафари ҳам тарихий воқеаларга бой бўлди. Бош вазир Тансу Чиллер хоним ва Президент Ислом Каримов Самарқанд шаҳридаги кўчаларнинг бирига турк халқининг буюк фарзанди Камол Отатурк номи берилиши муносабати билан уюштирилган митингда иштирок этдилар. Ушбу кўчадаги Отатурк шарафига ўрнатилган ёдгорлик лавҳасини очдилар.

— Мустафо Камол Отатурк туркий тилли халқларнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг истиқлолга эришишини орзу қилган эди, — деди Бош вазир Тансу Чиллер. — Самарқанд аҳлининг ушбу кўчани унинг номи билан аташга қарор қилгани бизни беҳад мамнун этди. Бу халқларимиз дўстлиги ва қардошлигининг яна бир нишонасидир. Ўзбекистонни, жумладан, гўзал ва афсонавий Самарқандни кўриш шарафига муяссар бўлганимдан хурсандман. Тилагим шу — дунёга келган ҳар бир кимса Самарқандни кўрмай ўтмасин.

Шу куни туркиялик юксак мартабали меҳмон Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Самарқанддан Тошкентга қайтиб келди.

Ташриф ниҳоясида Тошкент аэропортида Туркия Бош вазири Тансу Чиллерни расмий кузатиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов аэропортда журналистлар билан учрашиб, уларнинг Туркия Бош вазири Тансу Чиллернинг мамлакатимизга расмий ташрифи якунлари хусусидаги саволларига жавоб қайтарди.

— Туркия мамлакатимиз мустақиллик йўлида илк қадамлар қўяётган, миллий давлатчилигимиз тикланаётган кунларда бизга кўмак берган давлатдир, — деди, жумладан, Ислом Каримов. — Бундай ёрдам давом этяпти. Ўзаро музокаралар чоғида Туркия Ўзбекистон учун 125 миллион доллар кредит беражагини маълум қилди. Биз бундай ёрдамларни юксак баҳолаймиз.

Шундай қилиб, Туркия Бош вазирининг мамлакатимизга ташрифи ниҳоясига етди. Сафар чоғидаги учрашувлар, мулоқотлар ва музокаралар ғоят самарали бўлди. Музокаралар якунида қабул қилинган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Туркия халқларининг дўстлиги ва бародарлигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Амиркул КАРИМ,
Муҳаммад ШАРИФ,
Саид МУРОД,
Холмурод АБДУРАҲМОН,
Ҳамза ШУКУР.
(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШИ

ЖОРИЙ 1995 ЙИЛДА ЕТИШТИРИЛГАН МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ҲОСИЛИНИНГ НЕС-НОБУД БЎЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК, УНИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА СОТИШНИ ТЕЗЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА:

1. Мева-Сабзавот маҳсулотларини республика ташқарисига олиб чиқиб сотишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини кўриб чиқувчи республика комиссияси иловага мувофиқ тузилсин.

Комиссия мева-сабзавот маҳсулотлари сотилишининг боришини мунтазам таҳлил қилиб борсин ва пайдо бўладиган муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўрсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари хўжаликлар иштирокида комиссиянинг қарорига мувофиқ Россия Федерациясининг манфаатдор вилоятлари ва шаҳарлари маъмуриятларига кўрсатилган маҳсулотни тегишли банк кафолатлари бўлганда етказиб бериш учун шартнома-контрактлар тузишни таъминласинлар.

Маҳсулотларни бартер бўйича ўзаро етказиб бериш учун истисно тариқасида шартномалар тузиш амалда синаб кўрилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, валюта тушумларининг бир қисмини Марказий банкка мажбурий сотиш маҳсулотлар сотиб бўлингандан сўнг, лекин 1995 йилнинг 31 декабридан кечиктирилмасдан, амалга оширилади.

4. «Ўздавстандарт» маркази (Асриянц), Ўсимликлар карантини бўйича давлат инспекцияси (Тўлаганов), Давлат солиқ қўмитаси (Гатаулин), ваколатли банклар, «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси (Эрметов) юклаш ҳужжатларини янги мева-сабзавот маҳсулотларини жўнатувчи турган жойда кўпи билан икки кеча-кундуз давомида расмийлаштиришни таъминласинлар.

5. «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси юк тақдим этилишига кўра ҳаракат составининг ўз вақтида ажратилишини ва берилишини таъминласин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятларнинг ҳокимликлари жойларда зарур ҳужжатларни тезлик билан расмийлаштириш ва мева-сабзавот маҳсулотларини юклаш учун таянч жойларини ташкил этсинлар.

7. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 10 июль

Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига илова

Янги мева-сабзавот маҳсулотларини республика ташқарисига олиб чиқиб сотишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини кўриб чиқувчи комиссия таркиби

ЖЎРАБЕКОВ И. Ҳ. — Бош вазирнинг биринчи ўринбосари — комиссия раиси

УСМОНОВ М. З. — Бош вазир ўринбосари — комиссия раисининг ўринбосари

ҲАМИДОВ Б. С. — Бош вазир ўринбосари — комиссия раисининг ўринбосари

МУЛЛАЖОНОВ Ф. — Марказий банк раиси

САЙФУДДИНОВ Ж. Б. — «Ўздеҳқончиликсаноатбанк» раиси

АЗИМОВ Р. С. — Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки раиси

ҲУСАНОВ Р. Ҳ. — Қишлоқ хўжалиги вазири

НОСИРОВ Б. Н. — «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси раиси

ҚУРБОНОВ Э. Қ. — «Ўзтайёрловсавдо» уюшмаси раиси

БУРХОНОВ Ф. — Ўзбекбирлашув бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари

ҚОСИМХЎЖАЕВ А. Н. — «Озиқовқатсаноат» уюшмаси раиси

ОЛИМБОЕВ С. А. — Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари

АБДУЛЛАЕВ Ш. Ю. — Молия вазири ўринбосари

ЭРМЕТОВ Н. — «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси раиси

Вилоят ҳокимлигида

НАТИЖАЛАРДАН ХУЛОСА ЧИҚАРИБ, ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРАЙЛИК

Шу йил 11 июль куни Тошкент вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда вилоят ҳокими муовинлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, вилоят ҳокимлигининг бўлим ва бошқарма раҳбарлари, бир қатор концернлар, уюшмалар, агрофирмалар, корхоналар, хўжаликлар раҳбарлари, солиқ, банк, биржа, муассасалари вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишда вилоят ҳокими **Э.М.Рўзиев** «1995 йилнинг биринчи ярмида Тошкент вилоятида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва ислоҳотларнинг бориши тўғрисида» маъруза қилди.

Йиғилишда маъруза юзасидан сўзга чиққан вилоят нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбари **А.Ибрагимов,** Пискент тумани ҳокими **А.Шерматов,** «Ғазалкент» агрофирмаси бош директори **Қ.Мирзаахмедов,** Янгийўл туманидаги Усмон Юсупов номли агрофирма бош директори **Б.Йўлдошев,** Олмалиқ кон-металлургия комбинати бош директори **В. Сигедин,** Бекобод металлургия заводи бош директори **А. Фармонов**, вилоят гўшт-сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбари **Ш.Мусаев**лар кун тартибидаги масала юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Йиғилишда Республика Бош вазири ўринбосари **Ў.Қ.Исмоилов** иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

ОНА СОҒЛОМ — БОЛА СОҒЛОМ

Вилоят ҳокимлигида оналик ва болаликни муҳофаза этиш муаммоларига бағишланган фаолларнинг йиғилишида бу масала чуқур муҳокама этилиб, зарур тадбирлар белгиланди

ФАОЛЛАР йиғилишида вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, шаҳар ва туман марказий касалхоналари бош шифокорлари, бош терапевт, акушер-гинеколог ва педиатрлари, вилоят даволаш муассасалари раҳбарлари, шунингдек, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул ходимлари ҳамда бир гуруҳ олимлар иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг муовини Д. Н. Жаҳонгирова очди ва бошқариб борди.

Йиғилишда маъруза қилган республика Соғлиқни сақлаш вазирининг муовини А. Ёрқулов вилоятда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ижобий ишлар билан биргаликда йўл қўйилаётган камчиликлар, мавжуд муаммоларни чуқур таҳлил этиб берди.

Фаоллар йиғилишида сўзга чиққан вилоят ҳокими Э. М. Рўзиев вилоятда оналик ва болаликни муҳофаза этишни янада яхшилаш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Тегишли бўлим ва бошқармаларга, шаҳар, туман ҳокимликларига зарур топшириқлар берди.

Йиғилишда республика Соғлиқни сақлаш вазири Ш. И. Каримов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Фаоллар йиғилишида кўрилган масала юзасидан қўшимча тадбирлар белгиланди.

КУН ТАРТИБИДА — ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАР

ВИЛОЯТ ҳокимлигида ижтимоий соҳаларда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ҳамда бюджет маблағларини меъёрлаштириш тўғрисида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Бир неча кун давомида махсус тузилган комиссия гуруҳи вилоятимизда ижтимоий соҳалар — соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа тармоқлар фаолиятини ўрганди. Ана шу ҳақда республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг молия-режалаштириш бошқармаси бошлиғи, комиссия раиси М. Туртаев ҳисобот берди. Маълум бўлишича, бу борада вилоятимизда ўрганса арзигулик ютуқлар кам эмас, бироқ, жойлардаги масъул раҳбарларнинг эътиборсизлиги, камҳафсалалиги ,туфайли иқтисодиёт, аҳолига медицина хизмати кўрсатиш, маданият ва бошқа ижтимоий соҳаларда камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Комиссия аъзоси, Республика Давлат матбуот қўмитаси раиси муовини Омон Матжонов вилоят маданият муассасалари, хусусан, кутубхона ва китоб дўконлари фаолияти ҳақида ахборот берди. У жойларда хусусийлаштириш баҳонасида китоб дўконлари биносини сотиб олишга уринишлар борлигини таъкидлаб, фаолларни бу масалада хушёр бўлишга чақирди.

Вилоят молия бошқармаси бошлиғи Б. Ҳосилов, вилоят марказий банк бошқарувчиси Н. Солиев маблағлардан фойдаланиш ва аҳолига нафақаларни ўз вақтида етказиб беришнинг аҳволи ҳақида гапирдилар.

Сўзга чиққан вилоят ҳокими муовини Д. Жаҳонгирова вилоятда ижтимоий соҳаларда, айниқса, аҳолига тиббиёт хизмати кўрсатишда юзага келаётган камчиликларни очиқ-ойдин айтди. Ислоҳотларни амалда суст бажараётган, тадбиркорлик кўрсатмаётган, ҳали ҳам юқоридан кўрсатма кутиб ўтирган айрим раҳбарларнинг фаолиятига танқидий баҳо берилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Э. М. Рўзиев иштирок этди ва сўзга чиқди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ, ТАДБИРКОРЛИК ВА ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР БЎЙИЧА ИДОРАЛАРАРО КЕНГАШ МАЖЛИСИДАН

Аввал хабар берганимиздек, шу йил 4 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов раислигида идоралараро кенгаш мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда қишлоқда кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантиришни жадаллаштиришга, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштиришга оид чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Қуйида идоралараро кенгашда қабул қилинган қарорларнинг асосий ҳолатларини келтирамиз.

«Қишлоқ жойларда кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантириш ишларининг аҳволи ҳамда уларни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги масала муҳокамаси жараёнида бу йирик муаммони ҳал этиш фақат ижтимоий-иқтисодий эмас, балки муҳим сиёсий аҳамиятга эга экани таъкидлаб ўтилди.

Ўтган ўн йилларнинг оғир меҳнати билан келишиш мумкин эмас, у вақтларда иш билан энг тўлиқ даражада таъминлашга эришиш зарурлиги шиори остида қишлоқ аҳолиси меҳнат потенциалидан самарасиз фойдаланиш яшириларди ва бу ҳол ҳануз учраб турибди.

Ушбу катта муаммони ҳал этишда собиқ марказлашган маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти хаталарига: гигантоманияга интилишга ва қишлоқ хўжалигини экстенсив ривожлантиришга, ижтимоий-ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантиришда қолоқликка, экологияга эътиборсизлик қилишга ва аҳолининг ҳаракатчанлигига тўсқинлик қилишга ва бу билан Ўзбекистоннинг айрим минтақаларида аҳолининг ҳаддан ташқари зич жойлашишини сақлаб қолишга йўл қўйиб бўлмайди.

Аҳолини иш билан таъминлаш ва мавжуд қишлоқ хўжалиги ҳом ашёсини қайта ишлаш шиорлари остида шаҳарлар ва туман марказларида жойнинг экологиясини бузадиган ва кўплаб сармоялар талаб қиладиган қайта ишловчи йирик корхоналарни асоссиз равишда қуриш давом этмоқда. Бундай ҳолларга йўл қўйиш мумкин эмас. Одамларни бевосита яшаш жойида иш билан таъминлаш ва айни бир вақтда унинг инфраструктурасини ривожлантириш учун қишлоқда кичик корхоналарни ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш йўлидан боришни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

Бу сервис хизмати, умумий хизматлар кўрсатиш объектларини ва ишлаб чиқариш тармоқларини бевосита қишлоқ жойга, айниқса, унинг аҳоли зич жойлашган туманларига имкони борича яқинлаштириш ва жойлаштиришни талаб қилади.

Буни, энг аввало, унча катта бўлмаган ихчам ишлаб чиқаришлар ташкил қилиш, кичик ва хусусий корхоналарни кенг ривожлантириш, хизматлар кўрсатиш соҳаси

(Давоми 2-бетда)

ФАОЛИЯТИМИЗ ВАТАН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ЖАҲОН БОЗОРИГА ДАДИЛ КИРИБ БОРИШ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИДИР

Ҳеч бир мамлакат хорижий эллар билан иқтисодий муносабатга киришмасдан, савдо-сотиқни йўлга қўймасдан, ташқи оламдан узилган ҳолда ривожлана олмайди. Зотан, мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксалишида, унинг дунё миқёсида ўз обрў-эътиборига эга бўлишида ташқи иқтисодий фаолиятнинг аҳамияти беқиёсдир.

4 июль куни Ислом Каримов раислигида ўтган республика Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгаш мажлисида ана шу борадаги фаолиятни кенгайтириш хусусида гап борди.

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, ўнлаб давлатлар билан мустақил иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўя бошлади. **Бу соҳа республика тараққиётининг устивор йўналишларидан бири, давлат сиёсатининг муҳим жиҳати деб белгиланди.** Зеро, ташқи иқтисодий алоқалар улкан табиий ва илм-фан салоҳиятига, қудратли экспорт имкониятларига эга бўлган Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги салмоғи ва обрў-эътиборини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳозирги аҳволи қандай? Аввало, шуни таъкидлаш керакки, республикада хорижий инвестиция учун энг қулай шарт-шароитлар яратилган, уларни ҳимоялаш қонун билан кафолатлаб қўйилган.

Бунинг натижаларини эса ҳозирданоқ кўриб турибмиз. Бу ўринда бизда фаолият бошлаган ДЭУ, Бат, Мицуи, Сименс, Алкатель, Марубени, Мерседес-Бенц, Тиссен ва бошқа кўплаб машҳур компанияларни тилга олмоқ кифоя.

Яқинда Американинг ўз тармоғида етакчи бўлган «Ньюмонт майнинг» фирмаси иштирокида Зарафшонда қурилган олтин қазиб олиш мажмуи ишга туширилди. Хоразмдаги Германиянинг «Мерседес-Бенц» фирмаси билан ҳамкорликда қурилган заводда дастлабки юк машиналари йиғилди. 1996 йилнинг бошларида Кореянинг «ДЭУ» компанияси билан ҳамкорликда барпо этилаётган завод конвейеридан биринчи Ўзбекистон автомобили чиқади.

Бундан ташқари, автомобилсозлик, электроника, коммуникация ва бошқа соҳаларда республикада илғор технологиялар бозорини шакллантириш, экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва импортнинг ўрнини босувчи корхоналарни ривожлантириш имконини берадиган бир қанча йирик инвестиция лойиҳалари ҳам амалга оширилмоқда.

Бу эса, табиийки, республикага чет эл сармоясини жалб этишни тақозо қилади. Шу мақсадда халқаро ва минтақавий молия ташкилотлари ва муассасалари билан ҳамкорлик кенгайтирилмоқда. Хусусан, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва ривожланиш банки, Япония иқтисодий ҳамкорлик фонди, Германия банклар консорциуми, Германия кредит идораси, Европа иттифоқи комиссияси каби халқаро ташкилотлар билан кредит битимлари имзоланди.

Ўзбекистондаги устивор лойиҳаларни амалга ошириш учун ётқизилган чет эл сармоялари миқдори бугунги кунда 3 миллиард 500 минг долларни ташкил этади.

Шунингдек, Ўзбекистонга узоқ муддатли ва имтиёзли кредитлар ҳам ажратилмоқда. Кредит миқдори 600 миллион АҚШ долларидан ошди. Бироқ инвестиция лойиҳаларини фақат хорижий кредитлар ҳисобига маблағ билан таъминлаш мақбул эмас. **Миллий иқтисодиёт қарз ҳисобига яшай олмайди. Ўзбекистон шу кунга қадар ҳеч кимдан қарздор эмас ва келажакда ҳам бундай бўлишига йўл қўйилмайди.** Бунинг учун эса ўзимизнинг салоҳиятимиз ва ресурсларимизга таяниб дунё бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, уни сотиш эвазига маблағ топиш керак бўлади.

Шундай катта имкониятларга эга бўлатуриб нега Ўзбекистонда экспортга товар чиқариш кўнгилдагидек эмас? Бу йўлда эҳтиёткорлик баҳонасида сансоларликка, оворагарчиликка йўл қўйилмаяптими? Экспорт ва импорт операцияларини амалга ошириш тартиби ўта мураккаб эмасми? Жаҳон бозорига дадил кириб бориш, унда Ўзбекистон мустаҳкам ўрин эгаллаши учун нима қилиш керак?

Бунинг учун четга маҳсулот чиқариш тартибини соддалаштириш, пахта, қора ва рангли металлар, нефть ва газ конденсати каби стратегик аҳамиятга молик бўлган маҳсулотлардан ташқари товарларни четга чиқаришни эркинлаштириш чора-тадбирларини кўрмоқ, яъни савдони давлат томонидан бошқариш тадбирлари билан ички бозорни ва ўз ишлаб чиқарувчиларимизни ҳимоя қилишни таъминловчи ўзгарувчан механизмни шакллантириш зарур, деди Президент мажлисда.

Шуни таъкидлаш керакки, республикада бу борадаги ишлар анча олдин бошланган, экспорти давлат назоратида амалга ошириладиган квота ва лицензия бериладиган товарлар рўйхатини боскичма-босқич қисқартириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 17 ноябрдаги 558-қарори билан мазкур рўйхат 26 тадан 11 та товар гуруҳига туширилган эди. Бугун бу рўйхатни 4 та позициягача қисқартириш тўғрисидаги таклифлар кўриб чиқилмоқда.

Мана шу мақсадда республикада тарифсиз бошқаришнинг қаттиқ чора-тадбирларидан халқаро қабул қилинган тарифли бошқаришга боскичма-босқич ўтишни таъминлайдиган норматив-ҳуқуқий негиз ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш механизми яратилди. Унга кўра, четга чиқарилаётган товарларнинг аҳамиятига қараб бож тарифлари белгиланади. Шу ўринда Президент бир мисол келтирди: масалан, табиий асалга 10 фоиз бож тўлови белгиланади. Шу тўғрими? Бизда асал тўлиб-тошиб ётибдими?! Ёки уруғлик чигитни олинг. Уни биров биздан зарурат юзасидан сотиб олади. Ана шундай маҳсулотларга юқори тариф ставкалари белгилаш керакки, уларни олиб чиқиб кетиш ҳажми камайсин. Олиб чиқиб кетилса, бизга фойда келтирсин. Айрим маҳсулотларга эса пастроқ бож тўлови белгилаш мумкин. Ортиқча, харидор топилмай тўпланиб қолган маҳсулотларни эса ҳеч қандай бож тўловсиз ҳам сотиб юбориш керак. Ўзимиздаги шаклланган нархини тўлаб, олиб кетаверишсин. Қисқача айтганда, тарифли бошқариш чора-тадбирлари тизимини ривожлантириш сифатли товарлар импортини рағбатлантириш, мамлакатимиз товарлари ва хизматлари экспортини кенгайтириш, ички ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, ички ва жаҳон нархлари ўртасидаги мавжуд номутаносибликларни бартараф этиш имконини бериши керак.

Хулоса шуки, **ташқи иқтисодий фаолиятдаги ҳар бир қадам Ватан ва халқ манфаатини кўзда тутган ҳолда қўйилиши, ана шу манфаат йўлида хизмат қилиши даркор.**

Бунёд этилаётган улкан иншоотларни сармоя билан таъминлашда, қолаверса, миллий валютамиз — сўмнинг харид қобилиятини мустаҳкамлашда, унинг хорижий валюталар билан том маънодаги эркин алмашувига эришишда ташқи иқтисодий фаолиятнинг, хусусан, четга товарлар экспорт қилишнинг аҳамияти каттадир, деди Президент. Зеро, хорижга қанча кўп маҳсулот сотсак, республикага шунча чет эл валютаси кириб келади ва у сўмимиз қудратини таъминлашга хизмат қилади.

Шуни унутмайлиқки, **сўмнинг конвертациясига эришиш — бу йилги фаолиятимизнинг энг муҳим вазифасидир. Чунки, кучли миллий валюта — мамлакатнинг нуфузи, иқтисодий қудратининг белгиси, унинг келажагидир.**

Бизнинг пул эмиссиясини кискартирганимиз, асоссиз кредитлар ажратишни тўхтатганимиз — бошқача айтганда, қаттиқ пул-молия сиёсатини ўтказаётганимизнинг моҳияти ҳам айнан ана шу мақсадга қаратилгандир. Бу осон кечмайди, албатта.

Маошни оширишни, керакли-кераксиз кредитлар беришни тарғиб этаётган айрим сохта обрў тарафдорларининг гапига учмай, ана шу сиёсатни амалга оширсак, бу ҳаракатларнинг натижасини кўрамиз. Бозорларимизда нархнинг барқарорлашиб қолгани, айрим ҳолларда эса унинг туша бошлагани шундан далолат бериб турибди.

Мамлакат иқтисодиётига чет эл сармоясини жалб этиш — ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий жиҳатларидан биридир. Бунинг учун эса жойларда қулай шароит — инфраструктура яратмоқ лозим бўлади.

Асака, Қоровулбозордаги улкан қурилишларга чет эллик сармоядорларнинг қизиққани, ўз маблағини иккиланмай сарф этганига сабаб шуки, бу заводларнинг корпуслари асосан тикланган, газ, сув, йўл ўтказилган эди. Бундан шундай хулоса чиқадики, ҳеч бир хорижий ишбилармон, фирма ёки компания қуруқ ерга сармоя киритмайди. У сарфланган маблағининг фойда келтиришига ишонч ҳосил қилгандагина ишга қўл уради. Демак, кимки ўз фаолиятида чет эл сармоясидан фойдаланишни истаса, шунга яраша инфраструктура яратиш хусусида ўйламоғи керак.

Чет эл сармоясини иқтисодиётга жалб этишнинг яна бир йўли — ишлаб турган завод ва фабрикалар негизида қўшма корхоналар ташкил этишдир.

Илгари пахта териш машиналари фақат АҚШ билан Совет Иттифоқи — Ўзбекистонда ишлаб чиқарилар эди. Хўжалик алоқаларининг узилиши бизга салбий таъсир этди. Бундай машиналарни ишлаб чиқариш 10 мингдан 2,5 минг донага тушиб қолди. Бу вазиятдан қандай чиқса бўлади?

Ҳозир Американинг «Кейс» компанияси билан тенг шерикчилик асосида қўшма корхона ташкил этиш борасида иш олиб борилаётир. Бу бизга нима беради? Аввало, саноатга илғор технология жорий этилади, маҳсулот ҳажми ва сифати ортади, уни нафақат ён қўшниларимизга, балки хорижий давлатларга ҳам сотиш имкони вужудга келади. Биз ана шундай устивор йўналишларни аниқлаб, капитал маблағларни ўша соҳаларга сарф этиб, кутилган натижаларга эришмоғимиз мумкин.

Мажлисда Президент қатъий талаб қўйди: **экспорт қилишга қурбли бўлган ҳар бир соҳа, ҳар бир маҳсулот бўйича аниқ дастур ишлаб чиқиш керак.** Унда мазкур маҳсулот қандай хомашё асосида, кимнинг иштирокида қанча тайёрланади, таннархи қанчага тушади, кимга қандай нархда сотилади, қанча фойда бўлади — буларнинг барчаси ҳисоб-китоб қилиниши лозим. Шундагина маҳсулот омборларда тўпланмайди, тўловлар ўз вақтида амалга ошади — ҳеч ким доғда қолмайди.

Ҳозир тайёрланаётган, ҳуқуқий экспертизадан ўтган «Ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони ва уни амалга ошириш бўйича ҳукумат қарори лойиҳаларида юқорида зикр этилган масалалар ўз ечимини топади. Бу ҳужжатларнинг қабул қилиниши ташқи савдо-сотиқни янада эркинлаштиришга, бозорларимизни бундан-да, тўкин-сочин қилишга, тадбиркорларга кенг йўл очиб беришга хизмат қилади.

Бугун Ўзбекистонни бутун дунё танийди, деди Ислом Каримов. Улкан иқтисодий ва илм-зиё салоҳияти ишлаб чиқариш имкониятлари, меҳнатсевар халқи унга жаҳон миқёсида обрў келтирди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ биз нефть ишлаб чиқаришни 1 миллион тоннадан 6-7 миллион тоннага, газни 8 миллиард кубометрдан 48-50 миллиард кубометрга етказдик. Ғалла мустақиллигига эришаётганимиздан, гўшт ва сут маҳсулотлари билан ўзимизни таъминлашга ўтаётганимиздан барча бохабар. Демоқчиманки, Ўзбекистон ҳар қандай хорижий давлатга қудратли, ишончли ҳамкор бўла олади. Фақат ташқи иқтисодий фаолиятдаги устивор йўналишларни аниқ белгилаб, бу йўлдаги ортиқча тўсиқ ва ғовларни бартараф этиб иш олиб борсак, мутараққий мамлакатлар сафидан муносиб ўрин олиш, халқимизга фаровон турмуш шароити яратиб бериш, том маънодаги буюк давлат барпо этишдек олий мақсадимизга тезроқ эришамиз.

Аҳмад ТОШХЎЖАЕВ.
(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ, ТАДБИРКОРЛИК ВА ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР БЎЙИЧА ИДОРАЛАРАРО КЕНГАШ МАЖЛИСИДАН

(Давоми. Боши 1-бетда)

ҳаҳмларини кўпайтириш, тадбиркорлик ҳаракатини ҳамма жойда кенгайтириш ҳисобига амалга ошириш керак. Аҳоли кенг қатламларини тадбиркорлик соҳасига жалб этиш мақсадида кичик ва хусусий бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга имтиёзлар бериш масаласини пухта ишлаб чиқиш талаб этилади.

Қўйилган вазифаларни амалга ошириш қонунчилик ва норматив базани янада такомиллаштиришни талаб қилади. Шу билан бир қаторда одамларнинг, айниқса, Ўзбекистон аҳолисининг катта қисмини ташкил қиладиган ёшларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий билимлари даражасини жиддий ошириш зарур.

Муҳокама натижасига кўра қуйидаги вазифалар топширилди:

1. Давлат мулки қўмитаси, Адлия вазирлиги, «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси бошқа вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар билан биргаликда Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда «Республикада кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрласинлар. Қонун лойиҳаси мавжуд қонунчилик ва норматив ҳужжатларни пухта ўрганиш, республика тадбиркорлари кенг доирасининг таклифларини ҳисобга олиш ва умумлаштириш асосида тайёрланиши лозим.

2. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатли кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг умумдавлат дастурини ишлаб чиқсин, унда қишлоқ жойларда уларни ривожлантиришга алоҳида эътиборни қаратсин. Дастурни тайёрлашда илғор мамлакатларнинг унинг амалга оширилишини таъминловчи минтақавий марказлар тузиш бўйича тажрибаси ҳисобга олинсин.

3. Тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш комиссияси (В. А. Чжен) Марказий банк ва тижорат банклари, Молия вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 20 кун муддатда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга сармоя йўналтирадиган кредитларга имтиёзли шартларда кафолат бериш суғурта компаниясини ташкил этиш бўйича таклифлар киритсин.

4. Давлат мулки қўмитаси Молия вазирлиги, Марказий банк ва тижорат банклари, Меҳнат вазирлиги, манфаатдор жамоат ташкилотлари, вазирликлар, концернлар, корпорациялар ва уюшмалар билан биргаликда бир ой муддатда кичик ва хусусий тадбиркорликни маблағ билан таъминлашнинг нодавлат тузилмаларини ташкил қилиш тўғрисида таклифлар киритсин.

5. Тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш комиссияси раиси В. А. Чжен И. Ҳ. Жўрабеков, М. З. Усмонов ўртоқлар билан биргаликда 15 кун муддатда:

— Қишлоқ жойларда бозор инфраструктурасини жадал яратиш бўйича таклифлар киритсин;

— фермерларнинг, кичик ва хусусий корхоналарнинг мева-сабзаватларини ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш бозорлари ташкил этиш ҳамда уларга савдо-воситачилик ташкилотлари билан шартнома ва контрактлар тузишда кўмаклашиш масаласини ҳал қилсин.

6. Меҳнат вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги 15 кун муддатда республиканинг ҳамма жойида қишлоқ ёшларини қайта ўқитиш ва касбга йўналтириш бўйича тузилмалар ташкил этишга доир таклифлар киритсинлар. Бунда қишлоқ ёшларини бозор иқтисоди шарт-шароитларига кенг жалб этиш, уларга «тадбиркорлик вируси»ни, кичик ва хусусий бизнес билан фаол шуғулланиш хоҳиши ва интилишини сингдиришни назарда тутсинлар. Республика ҳунар-техника билим юртлари тизимида таълимни қайта йўналтиришга доир тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар.

Ушбу ишни мувофиқлаштириш ва унинг бажарилишини назорат қилиш И. Ҳ. Жўрабеков зиммасига юклансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 10 кун муддатда Ер банки ва унинг худудий бўлинмаларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқсин ва киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бир ҳафта муддатда қуйидагилар тўғрисида таклифлар киритсин:

— «Ўзинвестлойиҳаинжиниринг» компаниясини ташкил этиш тўғрисида;

— Европа банкининг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун ажратилган 60 миллион доллар миқдордаги кредитларидан республиканинг барча минтақалари тадбиркорларининг кенг қатламлари ўртасида танлов асосида жадал ва тўлиқ фойдаланиш тўғрисида;

— иқтисодиётнинг устивор тармоқларини маблағ билан таъминлаш учун ўз маблағларидан фаол фойдаланиш, уларда хорижий сармоялар маблағларини кўпайтириш учун база яратиш.

9. Адлия вазирлиги:

— Икки ой муддатда хусусий ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш бўйича вазирликлар ва идоралар томонидан қабул қилинган қонун қучидаги ҳужжатларни ўрганиб чиқсин ҳамда хусусий тадбиркорлик фаолиятига маъмурий-буйруқбозлик йўли билан аралашишга уринишларнинг олдини олиш механизмини яратиш тўғрисида таклифлар киритсин;

— 15 кун муддатда Олий хўжалик суди, Давлат солиқ қўмитаси ва «Ўзулгўржибиржасавдо» уюшмаси билан биргаликда фьючерс битишувларини тузиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини ҳамда биржа ва ярмарка савдолари якунлари бўйича сотиб олинган маҳсулотларни олиб чиқиб кетиш тартибини киритсинлар.

И. А. Каримов ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш, уни янада эркинлаштириш иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили эканлигини таъкидлаб ўтди. Кенгаш аъзолари муҳокама натижаларига кўра комиссия мазкур масала бўйича таклиф этган фармон лойиҳасига розилик билдиришди.

Фармонни пухта ишлаб чиқишда ва ҳукумат қарорини тайёрлашда қуйидаги масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор бериш топширилди:

— тариф бўйича тартибга солиш ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиб боришнинг асосий шакли ҳисоблансин;

— Квоталанадиган ва лицензияланадиган товарлар рўйхатини, уларни анча камайтиришни назарда тутган ҳолда, қайта кўриб чиқиш (ҳом ашё ва маҳсулотларнинг стратегик турлари бундан мустасно).

Бош вазирнинг ўринбосари Ў. Т. Султонов зиммасига «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда жаҳон бозорида талаб катта бўлган, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича алоҳида дастурларни ишлаб чиқиш юклансин.

АМЕРИКАЛИК ЖУРНАЛИСТ НЕГА ҲАҚИҚАТНИ ЯШИРДИ?

Яқинда мен «Нью-Йорк Таймс» газетасида Ўзбекистон тўғрисида босилган мақолани олдим.

Мақола муаллифи Майкл Спектор Москвада яшайди. Унинг газетаси ижтимоий фикрни шакллантиради, ана шу фикрларнинг кўпчилиги муҳокама қилиш учун конгрессга қўйилади. Бу газета сонлари шундан кейин ҳам муҳим сиёсий масалаларни ёритиш чоғида ақл-зиё марказлари таҳлилчилари учун ахборот манбаи сифатида ўз хизмат вазифасини бажаришни давом эттиради.

Лекин мақоланинг «Ўзбекистонда советча бошқарув аҳолининг беташвиш турмушни таъминлашмоқда» деган сарлавҳасига қараб, беихтиёр хушёр тортдим. «Советчасига бошқарув» беташвиш турмушни таъминлай оладими ахир?

Мақола матнига кўз югуртираман. «Ўзбекистон, Тошкент. Собиқ СССР мамлакатларида ҳаёт жўш урмоқда. Фуқаролар урушлари бошланмоқда ва демократиянинг дастлабки куртаклари пайдо бўлмоқда. Буларнинг барчасига иқтисодий ва сиёсий тартибсизлик ҳамоҳангдир. Одамлар ҳаддан ташқари кўп эркинликка дуч келишди. Лекин бу мамлакатда аҳвол бутунлай бошқача... Бу ерда ҳамма нарса эскича», — деб хулоса чиқаради муаллиф.

Газетхон мақоладаги асосий фикрни пайқаб олди, албатта: «У ерларда» демократиянинг дастлабки куртаклари пайдо бўлмоқда». Эҳтимол, жаноб Спектор бу куртакларни Душанбе, Тбилиси, Сухумида ёки «Град» ракета тизимидан ялписига отилган ракеталардан бутунлай вайрон бўлган Тоғли Қорабоғ шаҳарлари ва овулларидаги фуқаролар уйларининг вайронаси орасида кўргандир. Шахсан мен бу «демократия куртаклари» бомбалар ва снаряд парчалари ўйиб ташлаган, одам бўйи чуқурликдаги ҳандақлар қазилган дала ва экинзорларда ўсиб чиққанига ишонмайман. Болалари ва енгил-елпи юкларини кўтарганча қаёққа боришини билмай сарсон бўлиб юрган қочоқлар тўдаларини тасаввур қиламан.

Йўқ, мен бу фожиали қочоқлар орасида «Демократиянинг нозик куртаклари»ни кўра олмаяпман. Қочоқлар эса, жуда кўп. Кавказнинг ўзидагина уруш уч миллион кишини қадрдон жойидан ҳайдаб чиқарди. Грузинлар Абхазиядан, абхазлар эса, Грузиядан қочиб кетишди... Арманистон билан Озарбайжон ҳам бир-бирига юз минглаб бахтсиз кишиларни жўнатди.

Москва вилоятидаги Добня шаҳарчасида вокзалда тунаш учун жойлашган қочоқ тожикларни тириклайин куйдириб юборраёзганлари тўғрисидаги даҳшатли хабарни умрбод унутолмайман. Уларнинг сарсон-саргардонлиги Душанбедаги майдонлардан бошланган эди.

Озарбайжон вакилларининг ҳисоб-китобига қараганда, республикада бошпана ва тирикчилик воситаларидан маҳрум қилинган 1,2 миллионга яқин киши тўпланиб қолган. Грузияда ярим миллионга яқин қочоқ бор. Арманистонда ҳам, Абхазияда ҳам, Тожикистонда ҳам, сўнгги вақтда Чеченистонда ҳам тахминан шундай манзара мавжуд.

Жаноб Спектор совуқда ва очликда, бошпанасиз, ҳаёт ва мамот ўртасида турган кишилар орасида «демократия куртаклари»ни қаерда ва қандай қилиб кўрганини тушунтириб бера олармикин?

Нима ҳам дердик, Россиядаги Жириновскийларнинг собиқ Иттифоқнинг мустақил республикалари халқини тиз чўктириш орзуси баъзи жойларда рўёбга чиқмоқда. Улар бир эмас, бир неча марта «Ўзлари ялиниб келишади», — дейишган эди. Спектор эса Ўзбекистон — совет ўтмишига чўқур ботиб қолган мамлакат, у ерда автомобилларни доимо тўхтатиб, сабабсиз тинтув ўтказишади, пиёдаларнинг эҳтиёткор кўзлари ҳамиша ерга қадалган, деб жар солмоқда.

Ўзбекистон Давлат автомобиль назорати ҳамма маркадаги машиналарнинг ҳайдовчиларига ҳамиша талабчан бўлиб келган. Спекторнинг гапларига мен ҳатто қўшимча қилишим мумкин: бу сержантларнинг хизматдаги фидойилиги ҳаммага маълум. Улар ишни яхши кўришарди. Ҳатто иш вақтидан ортиқча бўлса ҳам хизматни ўташга тайёр эди. Буни бошқа республикалардаги ҳайдовчилар ҳам тасдиқлаши мумкин. Уларнинг ўртасидаги зиддиятни йўл хизмати ходимлари иш ҳақининг камлиги, оиларининг серфарзандлиги авжига чиқарди.

Кўпчилик ўғирлик қиларди: бировлар чакана ўғирлик қилса, бошқалар катта ўғирлик билан шуғулланарди. Марказий қўмитадаги партия рахбарларининг валюта ҳисоблари қанчага рязанлик колхозчи ёки Тюмендаги нефтчига маълум эмас. Аммо, ловуллаб турган Афғонистон чегарасидан ҳам, тинчлигини йўқотган Тожикистондан ҳам қурол-яроғ келиши мумкин бўлган йўл бор. Террорчилар, наркотик, портловчи моддалар, қуролли гуруҳлар республика ҳудудига шу йўлдан келиши мумкин. Ироқ, Ливия, Туркия лагерларида тайёргарлик кўрган ашаддийлар-чи?

Хуллас, Майкл, милиция ходимлари машиналарни кўздан кечириш учун тўхтатишганидан хафа бўлманг. Бизнинг америкача турмушимизда сўнгги пайтларнинг ўзида содир бўлган бир қанча террорчилик ҳодисаларини эсласак, Ўзбекистон милицияси ходимларининг тажрибаси ҳисобга олинса, фойдадан холи бўлмас эди.

Италияда муҳожирликда юрган пайтимда автоматлар билан қуроллланган полициячилар машиналарни тўхтатганини жуда кўп кўрганман. Бундай пайтларда ҳайдовчилар ортиқча ҳаракат қилишдан қўрқишарди: полициячининг сергак кўзлари ортиқча ҳаракатни ўзича баҳолаши, автоматдан отилган ўқ ҳар қандай бахсга нуқта қўйиши мумкин эди.

Исроил йўлларида ҳам аҳвол шундай. Лекин бу давлатларда демократиянинг мавжудлигига ҳеч ким шубҳа қилаётгани йўқ.

Ҳатто қўшимча қилишим мумкин: аҳоли осойишталигини кўзлаб, йўлларда бундай тадбирларни амалга ошириш — демократиянинг энг муҳим гаровидир. Айниқса, ҳозирги ташвишли даврда бу жуда муҳим.

Молини Ўзбекистон чегаралари орқали олиб ўтиш осон эмаслигига амин бўлган маҳфия бангифурушлари буни англаб етган. Ўнлаб тонна ажал уруғи Ўзбекистон диёрида ушлаб қолиниб, халқаро кузатувчилар кўз олдида ёндириб юборилмоқда. Республика Интерполга қабул қилинган.

Ўзбекистоннинг ҳуқуқий органлари ашаддий жиноятчиликка чек қўйишди. Республика пойтахти ва барча шаҳарларининг кўчалари бандит, рэкетчи, зўравон, машиналарни олиб қочувчилардан тозаланган.

Жаноб Спектор, ўзингиз мамлакат бозорлари сархил мевалар билан тўла, нархи ҳам қиммат эмас, деб ёзасиз-ку. Ҳар хил масаллиқлар ўйиб ташланган узундан-узун пештахта қаторларини, иссиқ нон ҳамда бир фунти бир долларлдан сотилаётган янги сўйилган қўй гўштини кўриб, ҳайратга тушасиз-ку. «Москвадаги кўпгина бозорлар бундай бозорларга ҳавас қилса арзийди», — деб таъкидлайсизку.

Гапимга ишонинг, Майкл, мақолада таъкидлаганингиздек, бундай мўл-кўлчилик сизнинг Тошкентга қилган қисқа муддатли ташрифингиз вақтида кимнингдир илтимосига биноан пайдо бўлгани йўқ.

Эътиборингиз учун айтиб қўяйин, мустақил давлатнинг ҳукумати текин фойдаланиш учун фуқароларга 20-25 сотихдан ер берди. 4 миллиондан кўпроқ деҳқон томорқасини кенгайтирди. Давлат қишлоқ аҳлига сара уруғлик, асбоб-ускуна, ёнилғи, техника, биноқорлик материаллари билан ёрдам қилди.

Жаноб Спектор, сизга Ўзбекистон Президентининг халқаро сиёсатдаги фаол мавқеини ҳам эслатиб қўйиш ортиқчалик қилмаса керак. Ҳозирги кунда Ўзбекистонни 130 дан ортиқ мамлакат ҳам олган. Тошкентда 38 та элчихона очилган. Бундан ташқари, ўнлаб консулхоналар, халқаро ташкилотларнинг 20 дан ортиқ ваколатхоналари ишлаб турибди.

Ўзбекистон пахта толаси, рангли металлар, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича жаҳондаги етакчи мамлакатлар гурухига киради. Япония компанияларининг фаол иштироки билан чуқур нефть конлари ишга солинмоқда. Бу эса, республикага яқин йиллар ичида ёнилғига бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш имконини беради. Германия компаниялари ҳам фойдали қазилмалар конларини ўзлаштирмоқда.

Йирик «ДЭУ» (Жанубий Корея) компанияси автомобиль заводи қурмоқда, мева ва пахтани қайта ишлаш бўйича технология линияларини етказиб бермоқда.

Ўзбекистон ҳудудида 1300 дан ортиқ қўшма корхона муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда. Улар ички бозор учун ҳам, ташқи бозорга экспорт қилиш учун ҳам маҳсулот ишлаб чиқармоқда. «Совпластитал» (Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси), «Кока-кола» (АҚШ), «Мерседес-Бенц» (Германия), «Рэнк Ксерокс» (Буюк Британия) шулар жумласидандир.

Келтирилган мисоллар, жаноб Спектор, сизнинг гапларингизни пучга чиқаради. Ўзбекистон «Чуқур совет ўтимишида қолиб кетган» деган фикрингиз, менимча, васвасадан бошқа нарса эмас.

Яна бир мулоҳаза. Европа ва Яқин Шарқдаги кўпгина мамлакатларнинг савдо-саноат доиралари Ўзбекистонда эришилган сиёсий ва иқтисодий барқарорлик даражасидан қониққан ҳолда бу республика билан фаол ҳамкорлик қилишмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ички можароларни ҳал қилишга, фуқаролар урушига, ўз иқтисодий тармоқларини вайрон қилишга вақт сарфлаб ўтиргани йўқ. Марказий Осиёдаги барча мамлакатлар орасида Ўзбекистон биринчи бўлиб (муқобиллик асосида) Президентлик бошқарувини жорий этди. Халқаро муталахассислар томонидан обдон ўрганилган Конституция умумхалқ муҳокамасидан сўнг парламент томонидан қабул қилинди.

Ўзбекистон ҳукуматининг ҳозирги йўли Ўзбекистон аҳолисининг манфаатларига мос келиши мутлақо равшан. Бироқ, Майкл Спектор бу республикада юз берган асосий ўзгаришларни сезишни лозим топмабди.

Владимир ПИЛЬНЯК.
«Мост» газетаси.
АҚШ.

Туркистон — умумий уйимиз

ЧИНҒИЗТОҒ ЧОТҚОЛ БИЛАН ТУТАШДИ ГЎЁ...

Бўстонлиқ туманида Абайнинг 150 йиллик тўйи бўлиб ўтди

Бир неча кундирки, буюк қозоқ оқини, мутафаккир шоири Абай Қўнонбой ўғлининг 150 йиллик тўйи мамлакатимиздд кенг нишонланмоқда. Бир неча кундирки, Абай туғилиб ўсган Чингизтоғ ёнбағирларидан эсган салқин шабада юртимизда ҳам майин эсмоқда. Бир неча кундирки, бепоён қозоқ саҳросида зиё бўлиб халқнинг дили ва онгини ёритган Абай ўланлари ўзбекларнинг шаҳар ва қишлоқларида ҳам баралла янграмоқда. Буюк қозоқ адибининг тўйи элдардан-элларга, диллардан-дилларга кўчиб юрибди.

Абай Қўнанбой ўғлининг мамлакатимизда ўтаётган тўйига иштирок этгани келган қозоғистонлик бир гуруҳ меҳмонлар ўтган жума куни Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида бўлдилар. Туман чегарасида, Чирчиқ дарёсининг қирғоқларидаги Абай номли жамоа хўжалиги худудида жойлашган «Ором» оромгоҳида уларни туман меҳнаткашлари вакиллари нон-туз билан кутиб олдилар. Туман хокими А. Абдувосиқов маросимни очар экан, — бу ерда истиқомат қилаётган 142 минг кишилик кўпмиллатли аҳолимиз сизларни — қозоқ халқининг вакилларини мунтазир бўлиб кутяпти. Бугун Бўстонликда тўй, Тубиқти уруғининг фарзанди, севикли шоири Абай Қўнонбой ўғлининг муборак тўйи. Қадамларингизга ҳасанот, қозоқ бовурларим, — деди.

Шу ерда янграган куй ва қўшиқлар, шеър ва ўланлар шу куни кечгача Бўстонлиқнинг бағри кенг далаларида, шовуллаб тўлқинланаётган Чорбоғ денгизи қирғоқларида, оппоқ қорли чўққилари осмонга бўй чўзган Чоткол тоғларида янгради. Гўё Абай оқинни дунёга келтириб, вояга етказган Чингизтоғи Чоткол тоғига туташгандек, у туғилиб ўсган, умр бўйи алангали ҳис-туйғу билан боққан чўл ва довонлар Бўстонлиқ кенгликларига қўшилиб кетгандек, Абай юрти Тубиктини кесиб ўтган Боқонос сохилларидан эсган салқин шабада мезбон юртнинг қулф уриб ётган экинзорлари узра эсгандай бўлди. Ҳаммаёқда ўзгача файз, ўзгача шукух. Қозоқ қўноқлари учун шу куни мезбонлар эшиги кенг очилди.

Меҳмонлар Ғазалкент салқин ичимликлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхонасида бўлганларида комбинат директори Баҳромжон Аҳмаджонов уларга цехларни кўрсатиб, ишчи ва хизматчилар билан таништириб борар экан, шундай деди:

— Қадамингиз кутлуғ келди. Шу бугун жамоамиз очиқ турдаги хиссадорлик комбинатига айланди. Корхона энди шу ерда меҳнат қилаётган жамоанинг мулки бўлиб қолди. Бундан кейин ўзимиз учун меҳнат қиламиз. Оладиган фойда ва даромадимиз ҳам асосан ўзимизники бўлиб қолади.

Яқинда вужудга келган ҳиссадорлик жамияти вилоятдаги йирик озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлайдиган корхоналардан бири.

«АДОЛАТ» — ЎЗ НОМИГА МУНОСИБ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг таъсис қурултойи республикамиз пойтахтида шу йилнинг февраль ойида бўлиб ўтган эди. Қурултой делегатлари республика мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллатлар ва халқлар манфаатларига жавоб берувчи ҳуқуқий давлатни қуриш, жамиятда ижтимоий адолатни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, юксак маънавийлик ва билимдонликни ривожлантиришни ўзининг асосий мақсади қилиб қўйган партияни тузиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Партиянинг Низоми ва Дастурида ифода этилган ғоялари, мақсадлари, вазифалари ўз тарафдорларини топмоқда. «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент вилоят ташкилотининг нисбатан қисқа муддатларда барпо этилиши ҳам шундан далолат бериб турибди.

— Бизнинг вилоят ташкилотимиз, — деди «Адолат» партияси Тошкент вилоят Кенгашининг котиби Ҳ. Ҳ. Алиев, — шу йилнинг 14 апрелида ўзининг таъсис конференциясидан кейин юзага келганлигини маълум қилди. Бу кишиларнинг партия асосий ҳужжатлари — Дастури ва Низомига, эълон қилинган мақсадларига эришиш учун бирлашишга бўлган табиий интилишдир. Уларнинг энг муҳимлари республика мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, демократия тамойилларини ривожлантириш, ҳуқуқий давлатни қуришга кўмаклашиш ишида фаол қатнашиш ҳисобланади. Бизнинг партиямиз ўз номи билан «Адолат» партиясидир. Ҳамма жойда адолат барқарор бўлиши, таркиб топиши учун курашади. Шунга эришиш бизнинг асосий вазифамиздир. Биз бу курашда қонун, Конституция талабларига қатъий амал қиламиз, жамиятимиз ҳаётида адолат тамойилларини ҳимоя қилишга бутун куч-ғайратимизни сарфлаймиз.

ПАРТИЯЛАР ҲАЁТИ

— Вилоятимизда янги партия тарафдорлари кўпми?

— Партиямизнинг аъзоси бўлишни истаганлар ёки бизнинг эътиқодимизни, қарашларимизни қўллаб-қувватлайдиганлар қанча эканлиги тўғрисида бизда ҳали аниқ рақамлар йўқ. Зероки, вилоят ташкилоти ҳам худди партиянинг ўзи каби ҳозирги вақтда ташкилий жиҳатдан оёққа туриш босқичида турибди. Бироқ, шуни тўла ишонч билан таъкидлашим лозимки, агар тарафдорларимиз бўлмаганда эди жойларда кишиларнинг қўллаб-қувватлашисиз партиянинг туман, шаҳар қўйи бўғинларини барпо этиш бўйича барча бу ишни олиб бориш амри маҳол бўларди. Ҳозирги вақтда партиямизни қўллаб-қувватловчиларнинг сафи кенгайиб бормоқда. Бу вилоятдаги кўпчилик аҳолига партиямизнинг ғоялари яқин ва тушунарли эканлигидан далолат беради. Шунинг учун уларнинг аксарияти ҳозирги вақтда ўтказилаётган ташкилий ишларда қатнашишга интилмоқдалар.

— Ташкилий иш қандай олиб борилмоқда?

— Туманлар, шаҳарларда ташаббускор гуруҳларимиз ишлаб турибди. Бу гуруҳлар аъзолари партиямизнинг ўзига хос ваколатли вакилларидир. Улар кишиларга партиямизни барпо этиш мақсадлари, унинг вазифалари ҳақида ҳикоя қилиб бермоқдалар. У ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунинг учун ҳам фаолияти, вазифалари тўғрисида ҳозирча ахборот кам, албатта. Биз бу камчиликни фаолларимиз ёрдамида бартараф этмоқчимиз. Уларнинг ихтиёрида партия ҳужжатлари — Дастур ва Низом бор. Ҳар бир истаган киши улар билан танишиши, партиямиз негизида социал-демократия тамойиллари ётишига ишонч ҳосил қилиши мумкин.

Албатта, агар «Адолат» партиясининг сафлари кенгайиб борса, унга янги-янги аъзолар қўшилса, мамнун бўлар эдик. Чунки, ҳар қандай партия ўз қаторларининг ўсишидан манфаатдордир. Бироқ биз сон кетидан қувишга интилаётганимиз йўқ. Партия сафларининг сифати бизни кўпроқ қайғуртирмоқда. Унинг сафларида «Адолат» партиясининг ғояларини чуқур тушунган, унинг мақсадлари ва вазифаларини ўзига яқин билган, ўзининг шахсий вақти ҳисобига партияда ишлашга тайёр бўлган, унинг тутган йўлини ҳаётга тадбиқ қилишга ёрдам берувчи кишилар бўлишини истаймиз.

Республикамизда демократия тамойилларининг таркиб топиши ва кучайиши натижасида янги партиялар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар пайдо бўлмоқда. Биз демократия ва тараққиёт йўлидан олға томон ривожланмоқдамиз. Бизнинг партиямиз ана шу ишда фаол қатнашади.

— Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида партия ташкилотлари тузилиб бўлдими?

— Чирчиқ ва Бекобод шаҳарларида, Оҳангарон, Юқоричирчиқ, Паркент, Қуйичирчиқ, Чиноз, Қибрай, Бекобод, Бўка туманларида партиямизнинг ташкилотлари мавжуд. Бошқа туманларда ва шаҳарларда ташкилий ишлар ниҳоясига етказилмоқда.

Албатта, биз эндигина ҳақиқий ишга киришдик. Ҳали фаолиятимизни кенгайтириш учун кўп тер тўкишимиз лозим. Лекин шунга қатъий ишонамизки, орадан кўп ўтмай ҳар бир киши «Адолат» ўз номи билан адолат партияси эканлигига ишонч ҳосил қила олади. Бунга эришиш партиямиз ҳар бир аъзосининг муқаддас бурчидир.

Суҳбатдош О. ҚОРИЕВ.

«Талаба — 95»

МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

МУСТАҚИЛЛИК туфайли республикамизда рўй бераётган ўзгаришлар таълим муассасалари зиммасига улкан масъулиятлар юклайди. Бўлажак мутахассисларни ҳар томонлама баркамол, малакали қилиб тарбиялаш давр талаби бўлиб қолди. Шу жиҳатдан олганда бугунги кунда республикамиздаги қатор олийгоҳ ва билим юртларида бўлганидек, Тошкент вилояти педагогика билим юртида ҳам янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари анча барвақт бошлаб юборилди.

Билим юрти қарийб ўттиз бир йил давомида Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларнинг кўпгина таълим муассасалари учун кадрлар тайёрлаб келмоқда. Бу ерда кундузги бўлимда «Мактабгача тарбия», «Бошланғич синфларда ўқитиш», сиртқи бўлимда «Мактабгача тарбия» мутахассисликлари бўйича ўқитиш жорий қилинган. Кундузги бўлимда «Бошланғич синфларда ўқитиш» мутахассислиги бўйича ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган гуруҳларга тўққизинчи ва ўн биринчи синфни, ўқиш рус, қозоқ тилида олиб бориладиган гуруҳларга эса ўн биринчи синфни тугаллаган ўқувчилар қабул қилинади.

Сиртқи бўлимнинг «Мактабгача тарбия» мутахассислигининг ўзбек, рус, қозоқ гуруҳларига ўн биринчи синф маълумоти бўлган ва турли таълим-тарбия муассасаларида ишлаётган ёшлар қабул қилинадилар.

— 1995-1996 ўқув йилига талабалар қабул қилишдаги янгиликлардан бири, — деди биз билан суҳбатда мазкур билим юртининг директори Собир Зияев, — Тошкент вилоятининг кўпгина таълим-тарбия муассасаларида эҳтиёж борлигини ҳисобга олиб, вилоятдаги бир қанча шаҳар ва туман ҳокимликларининг таклифларига кўра билим юртимизда қозоқ гуруҳларининг ташкил этилишидир. Иккинчидан, ушбу гуруҳларда қабул қилиш тартиблари кўп балли баҳо тизими асосида анъанавий имтиҳон олиш усулида бўлади. Ҳужжатлар 20 июлга қадар қабул қилинади.

Билим юртимизда бўлажак мутахассисларнинг ўқиши учун барча шарт-шароитлар мавжуддир. Жумладан, 2 та замонавий усулдаги, барча қулайликларга эга бўлган 500 ўринли ётоқхона талабалар ихтиёрида. 70 дан ортиқ тажрибали ва малакали муаллимлар ёшларга таълим-тарбия берадилар.

Йил давомида ўқувчиларимизни етук, фидойи, ватанпарвар мутахассислар қилиб етиштириш борасида турли-туман тадбирлар ўтказилди. Хусусан, шу йил май ойида Тошкент саноат техникуми талабалари билан бизнинг педагогика билим юрти талабалари ўртасида қувноқлар ва зукколар кўрик-танлови ўтказилди. Беллашувда билим юртимизнинг биринчи ва иккинчи босқич талабаларидан иборат «Орзу» командаси ғолиб чиқди.

Яна шуни айтиш керакки, билим юрти моддий базасини яхшилаш мақсадида «Фотима» ва «Саида» кичик корхоналари билан шартнома тузилган. Бундан тушган маблағ ҳисобига ўқитувчилар ва ўқувчиларга моддий ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, «Фотима» кичик корхонаси бизга муассасамиздаги яроқсиз ҳолга келган телевизор, радиоприёмникларни таъмирлашда ёрдам беради.

Ш. ОБИДОВА.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК: ОҒРИҚ ЖОЙЛАР ҚАЕРДА?»

ГАЗЕТАНИНГ 24 май сонида ана шундай сарлавҳа билан танқидий мақола босилган эди. Яқинда Ангрен шаҳар ҳокими Т. Анорбоевнинг ушбу мақола юзасидан жавоб хати олинди.

Унда жумладан, шундай дейилади: «Мақола шаҳар ҳокими ҳузурида ҳокимликнинг масъул ходимлари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбарлантириш тўғрисида»ги Фармони ва вилоят ҳокимининг шу мақолага тааллуқли қарорини амалда бажариш, иқтисодий ислоҳотлар жараёнини тезлаштириш мақсадида Ангрен шаҳар ҳокими раҳбарлигида тузилган шаҳар штаби йиғилишлари ҳар ҳафтада икки марта ўтказилмоқда. Бу йўналишда амалий ишлар қилинаётир. Жумладан, 2 июнда ўтказилган штаб йиғилишида шаҳардаги ҳиссадорлик жамиятларининг ўз корхоналарини хусусийлаштириш бўйича зиммаларидаги қарзларини узиш масаласи ҳиссадорлик жамиятлари раислари иштирокида кўриб чиқилди.

«Хусусий тадбиркорлик: оғриқ жойлар қаерда?» сарлавҳали мақолада қайд этилган муаммолар шунингдек, Ангрен шаҳар саноат қурилиш банкида Ўзбекистон Республикаси саноат қурилиш банки вилоят бошқармаси бошлиғи С. Б. Юсупов, Ангрен шаҳар саноат қурилиш банки бошқарувчиси Р. М. Шокирова ва «Виктория» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Т. З. Беков иштирокида ўтказилган йиғилишда ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Бу йиғилиш мажлис баёнида кўрсатилганидек, шаҳар саноат қурилиш банки ва хўжалик органлари томонидан кундалик тушумни банкка топшириш юзасидан шартномалар тузилиши кўзда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 январдаги «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 14 февралдаги 55-сонли қарорини сўзсиз бажариш юзасидан банкда хусусий корхоналарга ҳисобкитоб рақамларини очиш вақтида бажарилмоқда. Белгиланган муддат яъни уч иш куни мобайнида ҳужжатларни расмийлаштиришга қатъий амал қилинаётир.

Республика «Тадбиркорбанки» бошқаруви бўлимининг раҳбари И. Исаков таъкидлаганидек, ушбу банк филиалини очиш бўйича ҳужжатлар уч ой муддатда кўриб чиқилади. Ангрен шаҳар ҳокимлиги томонидан шу йилнинг 22 февралида 1-12/141 рақамли тавсифномаси юборилган. Ҳозирги кунда Ангрен шаҳар «Тадбиркор банки» бошқарувчиси А. Агабеков 1995 йил 28 апрелда 37/183 рақамли лицензия олган. Бош мухосиб қилиб Дилбар Хотамова қабул қилинди. Шаҳар ҳокимининг шу йил 19 майдаги 243-қ сонли қарорига биноан банк учун ажратилган бинода таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда, банк тез кунда ўз иш фаолиятини бошлайди.

Шаҳар ҳокимининг шу йил 30 мартдаги 151-қ сонли «Янги тузилаётган корхоналарни рўйхатга олиш тўғрисида»ги қарорига асосан Ташқи иқтисодий алоқалар бўлимига ҳужжатларни топшириш ва қабул қилиш ишлари ўтказилиб, 12 апрель куни далолатнома имзоланган. Шу кундан эътиборан вилоят ҳокимининг 1995 йил 20 январдаги 15-сонли ва шаҳар ҳокимининг шу йил 26 январдаги 40-сонли қарорларининг бажарилиши Хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи А. Исмоилов зиммасига юклатилган.

Ангрен шаҳар ҳокимлиги ва барча мутасаддилар бундан буён республика Президентининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган фармони ва вилоят ҳокимлигининг ушбу йўналишда қабул қилган қарорларини оғишмай амалга ошириш мақсадида барча мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланган ҳолда иш олиб борадилар».

КЎЧАЛАРГА ЧИРОЙ БАҒИШЛАЙДИ

Чирчиқ шаҳридаги асфальт-бетон заводида йўлкаларга ётқизиш учун бежирим ва безакли ясси ғиштлар чиқарила бошланди. Дастлабки маҳсулотдан шаҳардаги Шароф Рашидов номли кўчани таъмирлашда фойдаланилди.

Оппоқ ғиштлардан бир текисда қад кўтарган расталар кўрк бахш этган ана шу кўча ёнбоши бўйлаб ўтган ариқларга эса корхонада тайёрланган яна бир маҳсулот — бетон қопламалар ётқизилди.

— Биз шу йилнинг беш ойи ичида жуда катта ҳажмдаги ишларни бажардик, — дейди корхонанинг 2-цехи бошлиғи Камол Эгамбердиев. — Буюртмалар асосида узун, қулай ўтирғичлар, катта кўчадан йўлкани ажратиб турувчи бетон деворчалар тайёрлашда Р. Қосимбекова, И. Сарабеков, М. Исматуллаев каби фахрийлар ибрат кўрсатиб ишлашмоқда.

Диққат, илғор тажриба!

«ПЕРСОН», «РОМАНА» ВА БОШҚАЛАР

Зангиота туманидаги «Бўзсув» фермер-деҳқонлар уюшмасида 75 гектар майдонда Голландия услубида ўстирилган «Персон» навли помидорнинг ҳар гектаридан ўртача 100 тоннадан ҳосил олишни мўлжалламоқдалар

ҲАР гал хўжаликда бўлганимда бирон янгиликнинг устидан чиқаман. Бу гал ҳам шундай бўлди. Уюшма раиси Алишер Ғаффоров буғдой ўрими ниҳоясига етаётганлиги, картошкани ковлаб олиш бошланганлиги, шунингдек, уруғ учун ўстирилаётган айрим экинлар, резаворлар уруғи етилиб қолганлиги, уни саралаш, уруғини ажратиш ишлари эрта-индин бошлаб юборилиши ҳақида сўзлар экан, помидорнинг янги нави тўғрисида, айниқса, хурсанд бўлиб гапирди ва бизни далага бошлади.



Фермер Қ. Аҳмедов даласида янги нав помидор ҳосилини териш бошлаб юборилди.

А. АБАЛЯН олган суратлар.

... Поёни йўқ кенг пайкал. Помидор туплари кўм-кўк бўлиб ўсиб турибди. Унда-бунда қизарган помидорлар кўзга ташланади. Эгат оралаймиз. Алишер ака бир туп помидор тупини уч қисмидан кўтарди. Туп тагидан бошланган ҳосил учигача ғуж-ғуж тугиб ётибди. Элита навли уруғдан тайёрланган кўчатлар экилган бу ерга. Бу кўчатлар экилишидан олдин кўчатхонанинг ўзида бир бор сараланган. Далага чиқариб экилгач, гуллаб ҳосил туга бошлаганидан сўнг ҳам баргининг ҳолати, донларининг кўринишига қараб яна кўчатлар оз-моз сараланди. Бошқа нав деб гумон қилинганлари олиб ташланди. Ана шундан сўнг 75 гектар майдонга апрель ойидаёқ экиб бўлинган помидор кўчатлари парвариши қизитиб юборилди.

Голландиядан келтирилган «Персон» навли бу нав Голландия технологияси бўйича ўстирилмоқда. Пушта кенглиги 90 сантиметр, эгат оралиғи 70 сантиметр, туп ораси 30-35 сантиметр қилиб экилган. Деҳқонлар хўжалик мутахассисларининг ёрдами ва уларнинг тушунтириши туфайли бу нав технологиясини обдон ўрганиб олдилар. Лекин, шу нарса уқтирилдики, Голландияда иқлим анча салқин, шунинг учун бизнинг иссиқ минтақамизда шароитга қараб туриб, технологияга айрим ўзгартишлар киритиш мумкин. Дейлик, Голландияда 12-13 марта сув қуйилиши керак. Бизда эса, ҳатто, 20 мартагача сув қуйилса, айни муддао бўлади.

Бу навнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? Биз хўжалик раҳбарлари, мутахассислари, деҳқонлар билан мулоқотда бўлиб, дала айланиб кўриб, қуйидагиларни билиб олдик.

Биринчидан, иссиққа, хашаротга чидамли. Бу ғоят муҳим хусусиятдир. Чунки ҳеч кимга сир эмас, кейинги йилларда одатдаги помидор навлари қанча парвариш қилганингиз билан рисолалагидек ўсиб етилиб, мўлжалдагидек ҳосил бермаяпти. Кўп жойларда не-не машаққатлар билан ўтказилган ва ғуж ҳосилга кирган помидор чилла кириши билан иссиқда палак ташлаб юборади, қурийди. Натижада деҳқонлар июль ойининг ўзидаёқ помидор пайкалларини ҳайдаб юборишга мажбур бўлмоқдалар.

Иккинчидан, бу нав тагидан бошлаб донлайди. Кўрсангиз ҳавасингиз келади. Гўё туб тагига пишиб етилган помидорлар қўлда олиб келиб териб қўйилгандек, банд атрофида ғуж-ғуж. Бир текис қизаради. Таъми ниҳоятда ширин. Туккан ҳосилининг 50 фоизи бир вақтда пишиб етилади.

Учинчидан, энг муҳими: биз билган, экиб келаётган ва консерва заводларига топшираётган помидорнинг қуруқ массаси 5-5,5 фоизни ташкил этади. Бу нав помидор ниҳоятда гўштли бўлиб, қуруқ массаси 6-6,5 фоизни ташкил этади. Бунинг хўжаликка фойдаси катта. Худди ёғлилик даражаси юқори бўлган сутни заводга топширганингизда бунинг ҳисобига кўп миқдорда қўшимча сут ёзилганидек, бу нав помидорни консерва заводига топширганингизда ҳам қуруқ массасининг кўп бўлганлиги учун қўшимча помидор ёзилади. Ундан келадиган фойда, деҳқонларнинг айтишича, жуда асқотади, ортиқча харажатларни қоплаш имкониятини беради.

Хуллас, ҳосил ниҳоятда мўл, залворли ва салмоқли бўляпти, — дейди раис. — Биз тахминан ҳисоб-китоб қилиб, ҳосил чўғини ҳам белгилаб қўйдик. Голландияда бу нав помидорининг ҳар гектаридан 140-150 тоннадан ҳосил олинар экан. Биз эса бемалол 100-120 тонна олишимиз мумкин. Бунинг учун асос бор, имконият бор. Дейлик, бир гектар ерда 36 минг туп кўчатни сақлаб қолганмиз. Борингки, уён буён бўлиб ҳосил пишиб етила бошлагунча, бу кўчатларнинг 30 минг тупи сақланиб қолсин. Ана шу тупларнинг ҳар биттасидан ўртача 4 килограммдан ҳосил йиғиб олса бўлади. Демак, 120 тонна, уён-буён бўлиб 100 тонна қолса ҳам бу жуда яхши.

Энди ҳамма гап бу ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олишда қолган. Хўжалик фермерлар уюшмасига айланганлиги, далада фақат пудратчи, ижарачи деҳқонлар меҳнат қилаётганлиги, манфаатдорликнинг юқори даражада эканлиги ҳеч шубҳасиз етиштирилган ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олиш имкониятини беради. Лекин мабодо ишлар тиғизлашиб, дўппи тор келиб қолса, қишлоқ аҳли ҳашарга шай турибди. Ҳар бир килограмм терилган помидорга шароитга қараб 10 тийин, балким 15-20 тийиндан ҳақ тўлаймиз. Ана шунда ҳамма далага бола-чақаси билан ёпирилиб чиқиши турган гап. Чунки ҳар бир оила 10-15 кунда мўмайгина пул ишлаб олиши мумкин-да.

Бу йил мазкур нав ҳосилининг шарбати консерва заводига топширилади ва асосан уруғи саралаб олинади. Келгуси йили уруғ бошқа хўжаликларга ҳам тарқатилади. Деҳқонлар ана шу улуғ ният билан астойдил ишламоқдалар.

Биз табиийки, хўжаликда бошқа тармоқдаги ишлар билан бирга ғаллачилик билан ҳам қизиқдик. 100 гектар суғориладиган ерга экилган буғдой ҳосили ҳам ниҳоятда баракали бўлди. Деҳқонлар 400 тонна хирмон уйишни, 160 тонна донни шартнома бўйича давлатга сотишни мўлжаллаб қўйишган эди. Ҳозиргача 320 тоннадан ортиқ дон тайёрланди. 70 гектарга яқин майдондаги ҳосил ўриб бўлинди. Шу кунгача давлатга 250 тоннага яқин дон топширилди. Буюртмадан ортиқчаси келишилган нархда сотилди.

Хўжаликда 40 гектар майдондаги ғаллазорлар комбайн кириши қийин бўлган ерларда жойлашганлиги, бунинг устига табиий офат туфайли буғдой поялари ётиб қолганлиги учун қўл ўримига ҳам алоҳида эътибор берилди. Бу ишни ташкил этишда ҳам манфаатдорлик асосий мезон қилиб олинди. Рағбатнинг уч хил усули белгиланди. Ҳар бир сотих ўрилган ғаллага хоҳлаганлар 20 сўмдан пул, хоҳлаганлар эса 3 килограммдан буғдой олиши мумкин. Чорваси борлар эса, шу майдондаги ўрилган буғдой сомонининг ҳаммасини олишлари мумкин. Ҳар ким ўзининг хоҳиши, майли, хонадонидаги аҳволига қараб ўзига маъқул бўлган манфаат йўлини танлаб олди. Шу туфайли ҳам қўл ўрими ниҳоятда уюшқоқлик билан ўтди.

Суратларда: уюшма раиси Алишер Ғаффоров фермер Кўчқор Аҳмедов билан «Романа» навли картошка ҳосили чўғини чамалаб кўрмоқдалар.

Комбайнчилар ҳам ўз меҳнатларига яраша рағбат кўрдилар. Бир тонна буғдой ўриб берса унга 50 сўм тўланадиган бўлди. Агарда ўримни айтилган муддатда тугалласа, бу ҳаққа қўшимча равишда 1 тонна буғдой, 2 тонна somon ҳам берилади. Ўримйиғим бошланиши олдидан ана шу шарт эълон қилинди. Бу комбайнчиларга маъқул бўлди. Улар астойдил меҳнат қилдилар. Бор комбайнлардан ғоят унумли фойдаландилар.

Уюшма деҳқонлари каттагина майдонга картошканинг «Романа» навидан экиб, уни хафсала билан Голландия модели — Голландия технологияси асосида парвариш қилган эдилар. Ҳосил ниҳоятда мўл бўлди.

— Биз,— дейди 33 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган фермер Кўчқор Аҳмедов,— бошқа экинлар қатори 1 гектар ерга картошка ҳам эккан эдик. Кеча ковлашни бошладик. Бу ишни Голландиядан келтирилган комбайн бажаряпти. Жуда унумли ишлаяпти. Дастлабки ҳисоб-китоблар ҳар гектардан 20 тоннадан ҳосил олиш мумкинлигини кўрсатяпти. Биз тағин ҳам бироз хафсаласизлик қилдик. Шароитни ҳисобга олиб бу навга 18 ҳатто, 20 мартагача сув берса ҳам бўларкан. Ана шунда 30 тоннага етказиб ҳосил олиш мумкин бўларди.

Демак, бундан шундай хулосага келиш мумкин. Деҳқонлар бу йилги тажрибаларини бойитиб, йўл қўйилган камчиликларни ҳисобга оладилар, келгуси йилда помидор, картошка етиштириш технологиясини янада такомиллаштирадилар.

Ҳа, хўжаликда янгилик ўзига йўл топяпти. Бу йўл деҳқонларни янги истиқболларга етаклаяпти.

Мен шу ҳақда ўйлар эканман, беихтиёр халқимизнинг зар қадрини заргар билади, деган мақоли ёдга келади. Хўжалик асосан сабзавот уруғчилигига ихтисослашган. Деҳқонлар тажрибадан яхши биладиларки, яхши сараланган уруғ ярим ҳосил. Бундай уруғни экиб, ҳар қанча меҳнат қилсангиз зое кетмайди. Лекин сара уруғни олишнинг ўзи бўлмайди. У деҳқондан ниҳоятда синчковликни, сабр-тоқат, бардош билан иш юртишни талаб этади. «Бўзсув» жамоаси деҳқонлари ўз фаолиятларида бу ҳақиқатга ҳамиша амал қиладилар, бир дам унутмайдилар. Чунки, уруғнинг сифатли, тоза бўлиши-юрт маъмурчилигига кафолат, ишончли заминдир. Шу туфайли ҳам бўзсувликлар бу соҳада белгиланган тадбирларни беками-кўст бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Қунт, сабот, чидам билан иш олиб бормоқдалар. Шу боис янги навлардан юқори ва салмоқли ҳосил олинмоқда.

Н. РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ТАБИИЙ ГАЗ ҲАМ ТЕЖАМКОРЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

Вилоятдаги аҳоли яшайдиган жойлар тезкорлик билан газлаштирилмоқда. Жумладан, ўтган йили 18,6 минг хонадонга газ тармоқлари тортилган эди. Бу ҳозир вилоят бўйича йилига қўшимча 300 миллион куб метр газ истеъмол қилиняпти, деганидир.

Келгусида уй-жойларни газлаштиришни муваффақиятли амалга ошириш учун табиий газни тежаб ишлатиш лозим. Шу кунларда саноатда, коммунал-маиший объектларда, хонадонларда газдан қандай фойдаланилаётганлигини текшириш мақсадида қаттиқ назорат олиб бориляпти. Ўтказилган текширишлар пайтида 240 та коммунал-маиший объектлар ўз биноларига ўзбошимчалик билан газ улаб олгани аниқланди. Уларда ҳатто газ сарфини ҳисоблайдиган мосламалар ҳам ўрнатилмаган, фойдаланилган газ учун узоқ вақт давомида ҳақ тўланмаган. Олмалиқ шаҳридаги марказий бозор чойхонаси, Чирчиқ шаҳридаги «Чирчиккоммунэнерго»нинг ҳаммоми, Зангиота туманидаги 2512-автоколонна, Тошкент туманидаги «Орзу» фирмаси ана шундай қилганлар. Табиийки, газ идораси бундай ўзбошимчаликка чек қўйди.

Текширишларда шунингдек хонадонлар ҳам газдан фойдаланиш ва унинг ҳақини тўлашда жиддий нуқсонларга йўл қўяётганлиги маълум бўлди. Газ хўжалиги ходимлари эса ҳеч қандай рухсатсиз бир мингта газ жиҳозларини ўрнатишган, 160 та иссиқхоналарга газ ўтказишган. «Тошвилоятгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси назоратчилари Оқ-қўрғон, Зангиота ва Чиноз туманларидаги хонадонларда газ ўтказилган 5 минг квадрат метр майдон учун ҳақ тўланмаганлигини аниқладилар. Пискент, Паркент, Оҳангарон туманларида эса хонадонларда боқилаётган 2 минг бош қорамол учун табиий газдан фойдаланганлик ҳақи ҳисоб-китоб қилинмаган. Газдан қонунсиз фойдаланган идора, ташкилот ва шахслар жарима солиш йўли билан жазоланишлари табиий, албатта.

Кези келганидан фойдаланиб, Тошкент вилоятидаги шаҳар ва туманларда истиқомат қилаётган аҳолига «зангори олов» билан иситиладиган майдонлар ҳажми ўзгарганида, оила аъзолари сони кўпайганида ёки чорва моллари харид қилинганда дарҳол шу ҳудуддаги газ идораларига хабар беришлари лозимлигини эслатиб қўймоқчимиз. Фойдаланилган газ учун эса вақтида ҳақ тўлашни унутманг. Лойиҳа ҳужжатлари бўлгандагина уй-жойларни, коммунал-маиший объектларни газлаштириш, қўшимча газ жиҳозларини ўрнатиш мумкин. Бу ишлар фақат шаҳар ва туман газ идоралари томонидан амалга оширилади. Рўйхатдан ўтмаган иссиқхона, гулхона ва шу каби жойларда газдан фойдаланиш қатъий ман этилади.

В. САВЦОВА,
«Тошвилоятгаз» ПЧБ бош муҳандиси муовини.

Вилоятимиз тарихини биласизми?

ЎТМИШГА НАЗАР

БОШҚА вилоятлар қатори Тошкент вилоятининг узоқ тарихи ва унинг қадимги худудлари ўқувчиларимизни қизиқтириши табиий. Маълумки, қадимги пойтахт Тошкент (аввалги номи Шош, Бинкент) ҳозирги Янгийўл (Қовунчи) шаҳри билан Чиноз ўртасида бўлиб, Пахта (эски Тошкент) қишлоғи ўрнида эди. Тошкент Буюк ипак йўлининг энг серқатнов бурилиш жойига жойлашганди. Тарихдан биламиз, қадимги ипак йўли ҳозирги Оққўрғон туманининг С.Сегизбоев номли давлат хўжалиги ва туман марказини кесиб ўтиб, мўғуллар томонидан йўқ қилиб юборилган Қонқа давлатининг пойтахти Ҳирожкент шаҳри орқали қадимий Шош пойтахти — Эски Тошкентга келган, Эски Тошкент Чирчиқ дарёсининг баҳорги сел ёғингарчиликлари тошқинлари туфайли 2-3 марта ювилиб кетган. Тошқинлардан омон қолган оилалар юқорироққа — Шошга (ҳозирги Тошкентга) кўчиб келганлар. Унгача ҳозирги Тошкент кичик шаҳарча бўлиб, йилдан-йилга кенгайиб Тарбант, Бинкат, арабча Шош, тожикча Чоч, баъзан Жож дея аталиб келинган. Абу Райхон Беруний «Шош» шу шаҳарнинг туркий номи Тошканддан олинган яъни «Тош қишлоқ» демакдир», деб ёзса, ундан сал кейинроқ яшаган Маҳмуд Қошғарий «Таркан — Шош (шаҳрининг) номи. Унинг асли номи Тошкенд, маъноси: тошдан қурилган шаҳар демакдир», дейди.

Милоддан олдинги биринчи асрда ҳозирги Тошкент вилояти худудлари Қангли давлати таркибига кирган. Қовунчи тепа ва Оққўрғондаги Қонқа пойтахти Ҳирожкентдан топилган турли топилмалар, тангалар буни исботлайди. Ўша даврда ўтроқ қабилалар деҳқонлари асосан дарё бўйларида яшаганлар. Улар дарёлардан каналлар орқали сув чиқариб, деҳқончилик қилганлар. Вилоятимиз худудида яшаган боболаримиз асосан Чирчиқ (қадимги номи Паррак), Оҳангарон (қадимги номи Илоқ) дарёлари қирғоқларида деҳқончилик қилганлар. Ҳозирги вилоятимиз ўрнида икки мамлакат — Шош ва Илоқ давлатлари бўлган.

Шош давлати ва унинг худудлари ҳақида шуни айтиш керакки, Чирчиқ дарёсининг икки томони яъни ўнг ва сўл қирғоғидаги барча ерлар шошликларники бўлган. Шош давлатида йигирма учтача катта ва кичик шаҳарлар бўлиб, уларнинг ҳар бирида ўзига яраша майда ҳунармандчилик саноати ва атрофларида озиқ-овқат, сабзавот-мевалар билан шаҳарни таъминлаб турувчи қишлоқ (робод)лари бўлган. Чирчиқнинг тармоғи Бўзсувдан Кайковус, Солор, Зол ариғи каналларининг қазилиб, сув чиқарилиши Шош давлати худудининг кенгайишига олиб келди. Бу каналлар аввалига кичик ариқлардан иборат бўлиб, кейинчалик 2-3 марта кенгайтирилган. Атрофдаги қир-адрлар ана шу каналлар туфайли боғ-роғларга, экинзорларга айланган. Янги-янги робод ва шаҳарлар пайдо бўлган.

Қадимги Шошни минг қалъали давлат, деб ҳам атаганлар. Ана шундай қалъалардан кўпчилиги Тошкент давлати таркибига кирган. Қовунчи тепа ва Оққўрғондаги Қонқа пойтахти Ҳирожкентдан топилган турли топилмалар, тангалар буни исботлайди. Ўша даврда ўтроқ ва ярим кўчманчи аҳолининг ўрнашиб, деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланиши, Шош давлатининг ҳудудларини кенгайишига олиб келди. Ана шундай ҳунармандчилик саноатининг ривож